

## БЕШИНЧИ БЎЛИМ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ ҚАРОРИ

# 234 «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тижорат банк-лари томонидан факторинг операцияларини амалга ошириш тартиби тўғрисида»ги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2012 йил 21 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 953-1*

*(2012 йил 31 майдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 26 мартдаги ПҚ-1731-сон «Экспорт қилувчи ташкилотларни рағбатлантиришни кучайтириш ҳамда рақобатбардош маҳсулотлар экспортини кенгайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 13-сон, 140-модда) мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви томонидан 2000 йил 15 июлда тасдиқланган 476-сонли «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тижорат банклари томонидан факторинг операцияларини амалга ошириш тартиби тўғрисида»ги низомга (рўйхат рақами 953, 2000 йил 3 август) иловага\* мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

**Марказий банк раиси**

**Ф. МУЛЛАЖОНОВ**

Тошкент ш.,  
2012 йил 28 апрель,  
13/2-сон

---

\* Илова рус тилидаги матнда берилган.